

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 15280,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 2,1 фоизга камайди.

2020 йил январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 4643,4 минг сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 96,0 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,0 % ни ташкил этди.


2019-2020 йилларнинг январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	14052,2	15280,1	97,9
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	12684,8	14677,1	98,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	1367,4	603,0	96,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	12684,8	14677,1	98,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4964,8	5822,8	97,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3442,6	3843,4	95,7
Саноат	2495,1	2751,0	94,0
Қурилиш	947,5	1092,4	100,3
Хизматлар	4277,6	5010,9	100,8
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	873,7	994,8	99,7
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	706,2	754,9	98,9
Бошқа хизматлар	2697,7	3261,2	101,7

ЯХМ-иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, бошқа хизматлар – 101,7 фоиз (ЯХМ таркибидаги улуши – 22,3 фоиз), хизматлар – 100,8 фоиз (34,2 фоиз), қурилиш – 100,3 фоиз (7,4 фоиз) ни ташкил этди. Саноат тармоғининг ўсиш суръатида эса камайиш юз берди ва 94,0 фоиз (ЯХМ таркибида улуши 18,7 фоиз) ни ташкил этди.

ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (фоизда)





Иқтисодий фаолият турлари

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-июнь

2020 йил январь-июнь





- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар



2020 йилнинг январь-июнида ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 34,2 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 0,5 пунктга кўпдир (33,7 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,5 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 5,1 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 6,8 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2019 йил январь-июнидаги 21,2 фоиздан 2020 йил январь-июнида 22,3 фоизга ўзгарди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 66,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

Ялпи худардий махсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)




- Махсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ динамикаси

	<i>Минг сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>
2019 йил январь-июнь	4354,9	92,5
2020 йил январь-июнь	4643,4	96,0

2020 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг хиссаси,
% да



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар



Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг камайиши 94,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 18,7 %), қурилиш 100,3 % (7,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 99,7 % (6,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 98,9 % (5,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 101,7 % (22,3 %) ни ташкил этди.